

Handwritten mark

Қ А Р О Р
1993 йил "19" *Апрел* Гулобод кўрғони

№ 43-48

Самарқанд электр тармоқларига 220-110-35-10 килловольтли "Чўпон-ота-подстанциясиги ва 220 килловольтли "Рўдаки-Самарқанд" ва "Жиззах-Самарқанд" электр тармоқларини "Чўпон-ота" подстанциясига кириш линиясини қурилиши учун 7,81 гектар, шундан доимий фойдаланиш учун 4,17 гектар ер майдони ажратилиш ҳақидаги "Ғадаба" жамоа хўжалиги вакиллари умумий йиғилишининг 1992 йил 7 августдаги 2 рақамли қарорини тасдиқлаш тўғрисида.

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Совети ижроия комитетининг 1989 йил 5 апрелдаги 89-15/5 рақамли қарори билан қурилишни лойиҳалаштириш учун 7,17 гектар ер майдони танланган ва лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр бўлганлигини, қурилиш учун маблағ ажратилганлигини кўриб чиқиб

Қ А Р О Р Қ И М А М А Н:

1. Самарқанд электр тармоқларига 220-110-35-10 килловольтли "Чўпон-ота" подстанциясиги ва 220 килловольтли "Рўдаки-Самарқанд" ва "Жиззах-Самарқанд" электр тармоқларини "Чўпон-ота" подстанциясига кириш линиясини қурилиши учун 7,81 гектар, шундан доимий фойдаланиш учун 4,17 гектар, шу жумладан сугорилиб ҳайдаладиган ерлар 4,16 гектар, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар 0,01 гектар, вақтинча фойдаланиш учун 3,64 гектар, шу жумладан сугорилиб ҳайдаладиган ерлар 3,57 гектар, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар 0,07 гектар ер майдони ажратилиш ҳақидаги "Ғалаба" жамоа хўжалиги вакиллари умумий йиғилишининг 1992 йил 7 августдаги 2 рақамли қарори тасдиқлансин.

2. Самарқанд электр тармоқлари ажратилаётган 4,16 гектар сугорилиб ҳайдаладиган ерга тенг янги ер ўзлаштириш учун Самарқанд вилоят ер тузиш бўлими, ердан фойдаланишни назорат қилиш Давлат инспекциясига 936000 сўм миқдорига пул ўтказиши ҳамда қурилиш тугатилгандан кейин вақтинча ажратилган ерларни қайта тиклаб, қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ҳолатга келтириб хўжаликка қайтариши лозим.

3. Самарқанд вилоят ҳокимиятидан ушбу қарорни тасдиқлаш сўралсин.

Район ҳокими

Handwritten signature
Р. Ҳакимова

Р. Ҳакимова